Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 26 апрель, сешанба № 79 (21.683). Сотувда эркин нархда.

ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ



СУРАТЛАРДА: кутиб олиш маросими ва икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбатидан лавҳалар.
Р. ЖУМАНИЁЗОВ ва Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

25 апрель куни Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран давлат ташрифи билан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон шарафига ҳар икки давлат байроқлари кўтарилди.

Аэропортда Франсуа Миттеран жаноблари ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либослардаги қизлар меҳмонларга баҳор гулларини тақдим этдилар. Франция ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиялари янграганидан сўнг Ислом Каримов ва Франсуа Миттеран миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Автомобиллар карвони қароргоҳ томон йўл олди. Меҳмонларни байрамона безатилган Тошкент кўчаларида минглаб шаҳарликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари олқишлар билан кутиб олдилар. Дунёдаги энг ривожланган давлатлардан бири — Франция раҳбарининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистоннинг тобора юксалиб бораётган халқаро мавқеидан нишонадир. Мамлакатимиз раҳбариятининг тинчликсевар ташқи сиёсати, адолатли ва демократик жамият қуришга қаратилган ички сиёсати жаҳонда катта обрў-эътибор топмоқда. Айни пайтда Франция Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон билан муносабатларни янада мустаҳкамлашга интилмоқда.

Ўзбекистонга Франция Президенти билан бирга бир қанча вазирлар, дипломатлар, ишбилармонлар ва маданият ходимларининг катта гуруҳи келди.

Ташриф давомида иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик масалалари, минтақадаги аҳвол, экология муаммолари муҳокама қилинади. Музокаралар якунида бир қанча ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда. Ф. Миттеранга ҳамроҳлик қилаётган француз ишбилармонлари эса ўзбек ҳамкорлари билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш ниятидалар.

Шу куни икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Оқшом Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноб Франсуа Миттеран ва Даниель Миттеран хоним шарафига зиёфат берди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, истиқлол йўлида буюк давлат барпо этишда маънавият ва маърифат омилларини ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамияти қуриш борасидаги фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни эътиборга олиб республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил этилсин.

2. Марказнинг самарали фаолияти ва ўз мақсади йўлидаги вазифаларни изчил бажариш учун, миллий тафаккурни ривожлантириш, маънавият ва маърифатни янада камол топтиришга кўмаклашиш ниятида, унга 6—8 босма табоқ ҳажмида «Тафаккур» номли журнални чоп этиш, нашрлик ишларини юритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари марказни ва унинг жойлардаги таркибий тузилмаларини ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсинлар.

4. Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) ва бошқа тегишли ташкилотлар марказни ҳамда журнал таҳририятини асосий фаолияти учун зарур бўлган маблағ, ашё ва жиҳозлар билан таъминласинлар.

5. Вазирлар Маҳкамаси «Маънавият ва маърифат» марказининг ишларига тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўз қарорини қабул қилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А. Фозилбеков) марказни ва унинг журнали таҳририятини Тошкент шаҳри, Отатурк кўчасидаги 24-бинога жойлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

УРТОҚ М. Ш. ШАРИФХЎЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мурот Шарифхўжаевич Шарифхўжаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Вазирлар Маҳкамасининг истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитаси раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 24 апрель.

ТАШКИЛОТ ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ

1994 йил «Оила йили» деб эълон қилингани муносабати билан республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ шу йил июнь ойида Тошкент шаҳрида «Аёл, оила ва жамият» мавзуида халқаро хотин-қизлар конференцияси ўтказилади. 22 апрель куни ана шу нуфузли анжуманни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Вазирлар Маҳкамаси бўлим мудири Ю. Шодиметов бошқарди.

Мажлисда мазкур халқаро хотин-қизлар конференциясига тайёргарлик ишларининг бориши атрофлича муҳокама қилинди. Алоқадор вазирлик, уюшма ва ташкилотларга тегишли вазифалар топширилди.

(ЎзА).

КЎРГАЗМА БИЛАН ТАНИШУВ

Даниель Миттеран хонимнинг Татьяна Каримова билан учрашуви тошкентлик рассом Ортиқали Қозоқовнинг кўргазмасини томоша қилишдан бошланди. Бу рассомнинг асарлари Дўрмондаги ҳукумат боргоҳи равоғини безади. Франция ва Ўзбекистон Президентларининг рафиқалари кўргазмада замонавий рассомлик мактаби вакилининг ижоди билан яқиндан танишдилар.

Ортиқали Қозоқов ёш, лекин ўз талантини намоён этган мўйқалам устасидир. Унинг асарлари ўзига хослиги, замонавийлиги ва миллий руҳи билан ажралиб туради.

Рассомнинг бу кўргазмаси, Франция ва Ўзбекистон Президент[illegible]нинг рафиқалари т[illegible] ўтганларидек, ик[illegible] маданиятларининг [illegible]вига кўмаклашади.

(ЎзА).

ФОЙДАЛИ БИТИМЛАР

23 апрель куни Тошкентда биринчи республика биржа ва ярмарка савдоси бўлди. Савдо Ўзбекистон Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонига мувофиқ ташкил этилган эди.

Республика иқтисодий ҳаётида юз берган бу муҳим воқеада савдо ташкилотлари, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, ишбилармонлар, дипломатия ваколатхоналарининг ходимлари, МДҲ мамлакатлари брокерлик идоралари ва биржалари иштирок этди.

Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов савдони очиқ деб эълон қилар экан, эндиликда мунтазам ўтказиладиган бу муҳим тадбирнинг уюштирилиши — савдо соҳасидаги ҳамкорлар учун зарур шароит яратишга, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини, республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини намойиш этишга, ҳамкорликни қайси йўналишда олиб боришни, қандай технология ускуналарга, илмий-техникавий ишланмаларга ва молларга талаб катталигини аниқлашга имкон беришини таъкидлаб ўтди. Бу — республикада бозор муносабатларининг ёрдамчи соҳаларини такомиллаштиришга ҳам кўмаклашади. Халқаро ҳамкорликда етакчи тижорат мижозлари сафидан ўрин олиш, Ўзбекистон аҳолисини зарур моллар билан тўлароқ таъминлаш учун биржа ва ярмарка савдоларини ўтказишда тажриба орттириб, уларни юксак жаҳон даражасида ташкил этишга эришмоқ керак.

Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазир ўринбосарлари М. Усмонов, А. Возненко савдога қўйилган маҳсулотларнинг намуналари билан танишдилар. Савдога қўйилган моллар эса, ғоят хилма-хил эди. Савдони ташкил этиш ва ўтказиш бўйича барча иш аъло даражада бажарилди.

Савдо иштирокчиларининг фикрича, биринчи республика биржа ва ярмарка савдоси муваффақиятли ўтди. Унда кўпгина ўзаро фойдали битимлар тузилди.

(ЎзА).

• *Ислоҳот одимлари*

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, яъни деҳқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи эканлиги таъкидланди.

Юртбошимизнинг ушбу йиғилишда сўзлаган нутқидан биз ҳам тегишли хулоса чиқариб, тадбирлар ишлаб чиқмоқдамиз. Энг аввало ишлаб чиқарган маҳсулотларимизни ўзимизда қайта ишлашни режалаштирмоқдамиз. Қисқаси, қишлоқларимизга озиқ-овқат, тўқиш-тикиш корхоналарини олиб келишни ўйлай бошладик.

Ахир хўжалигимиз — сертармоқ. Бизда ҳозир ҳам пахта асосий экин, тиркичилик манбаи бўлиб қолмоқда. Президентимиз ҳам деҳқончиликнинг бу тури оқилона иш юритилса кони фойда деб бот-бот уқтирдилар. Ахир тўғри-да, пахтани «сотсанг—тилло, кийсанг —кийим, есанг—овқат» деб бежиз таърифлашмаган.

Бултур 1700 гектарга яқин майдонга чигит қадагандик. Режа бўйича гектаридан 27,3 центнердан хирмон кўтариш, жами 4300 тонна хом ашё тайёрлаш керак эди. Бу топшириқ 4511 тоннага адо этилди. Натижада, режада белгиланган пахтанинг 20 фоизи ва қўшимчаси хўжалик ихтиёри билан шартномавий нархларда сотилди.

Кўп жойларда чорвачилик зарар келтираётганлиги сир эмас. Ўтган йили шундай фермалар хўжаликлар мамлакатимизнинг кўпгина жойларида давлат тасарруфидан чиқарилиб, фермер жамоаларига бўлиб берилди. Биз ишга бошидан бошқачароқ ёндошганлигимиз туфайли, меҳнат аҳли манфаатларига мос йўлни тутдик. Яъни, фермани наслчиликка ихтисослаштирдик. Бунинг учун аввало озуқа базасини мустаҳкамлашга эътибор бердик. Сигирлар маҳсулдорлигига қараб гуруҳларга бўлинди. Ҳар қайси алоҳида меъёр бўйича озиқлантирилмоқда. Асосийси, ходимлар ўртасида тартиб-интизом кучайтирилди. Эндиликда хоҳ совғувчи бўлсин, хоҳ молбоқар бўлсин — ҳамма ўз вазифасини сидқидилдан бажармоқда. Жами 362 бош қорамол, жумладан 134 бош сғрин сигир қипловдан беталофат олиб чиқилди. Турсуной Шодиқулова, Машраб Қўшоқова, Хайри Қўзибекова каби сут соғувчилар юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Мамлакат раҳбарияти ишбилармонликни, тадбиркорликни кенг рағбатлантириш учун ҳамма чораларни, қулайликларни яратиб бермоқда. Мана бизнинг хўжалик ҳам ана шу ислоҳотларнинг меваси янглиғ — ижара ширкат бирлашмасига айланган.

Илгари хусусий тармоқларга эътибор берилмасди. Шунинг учун чорвачилик маҳсулотларини етиштириш асосан хўжаликларнинг фермалари зиммасига тушарди. Фермерлик бунга барҳам берди. Маҳсулот етиштиришда ўзаро рақобатни юзага келтирди. Президентимизнинг «Иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони барча хусусий мулк эгалари қатори бизнинг ижара ширкат бирлашма сингари хўжаликларимиз учун ҳам катта имконият яратиб берди.

Бирлашмамизда ғаллачиликни ривожлантириш ҳаётий заруратга айланди. Бу соҳага биз ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Бултур 200 гектар майдонда буғдой етиштирилди. Бу йил ҳозирданоқ ердан бош кўтариб, чайқалиб қолган 600 гектар ерга экилган ғаллазордан юқори ҳосил олишни кўзлаяпмиз.

Хўжалигимиз қишлоқларимизни тўлиқ газ, тоза ичимлик суви билан таъминланган. «Ғунча» болалар боғчамизда ишчи-хизматчиларимизнинг 120 нафар болалари бепул тарбияланмоқда. Аҳолини турмуш даражасини яхшилаш, савдо, маданий, маиший, тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш диққат-эътиборимизда турибди. Ёрдамга муҳтож 2 нафар уруш қатнашчиси, 17 нафар меҳнат фахрийси, 8 нафар қаҳрамон оналар, 8 нафар боқувчисини йўқотган оналарни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга эътиборни қаратаяпмиз. Байрамлар, тантаналар олдидан уларни совға-саломлар билан йўқлаш одатга айланган.

Деҳқонларимизни якдил ниятлари экиш-тикиш мавсумини яхши ўтказиш, давлатимиз иқтисодиётини янада кўтаришда ўз улушимизни қўшиш, ютуқларни кўпайтириш учун мустаҳкам тамал тоши қўйишдир.

Абдушукур РАҲМОНОВ,
Зомин туманидаги Тонров номли ширкатлар бирлашмаси раиси.

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ОНА ВАТАН КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● Иқтисодий ҳамкорлик

ХИТОЙЛИКЛАР ХОРАЗМДА

● Урганч ипак ишлаб чиқариш бирлашмасида Хитойнинг машҳур «Су Жу» фирмаси билан ҳамкорликда янги дастгоҳлар ўрнатилаётир.

Шанхайлик мутахассислар маҳаллий ёмларга мураккаб ускуналарни созлашни ҳам ўргатмоқда. Бирлашмада велюр, понбархит каби сифатли ва харидоргир матолар ишлаб чиқариладиган янги корхона қурилган эди. Ўнлаб хоразмликлар Хитойда малака ошириб қайтди. Цех йилнинг иккинчи ярмида маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди. Унда беш юз нафар киши меҳнат қилади.

● Қўшма корхона

ДАСТГОҲ ХОРИЖДАН КЕЛТИРИЛДИ

● Италиянинг «Матмак Суплиас» ҳамда «Навонйтекст» фирмалари ҳамкорликда Навбаҳор туманида йирик ипйигириш цехи қурилишини бошлаб юборди.

Корхона шу йил охирида ишга тушади. Жиҳозлар Италиядан келтирилади. Цех фойдаланишга топширилгач, бу ерда йилига 1,6 миллион тонна маҳсулот тайёрланади.

● Бунёдкорлик

ШАКАР КОРХОНАСИ

● Сирдарё вилоятининг Сайҳунобод туманидаги «Пахтакор» ширкатлар уюшмасида шакар заводи қурилмоқда.

Корхонанинг асбоб-ускуналари Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Завод шу йилнинг ўзида маҳсулот беради. Бир кеча-кундузда 5 тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга.

● Қишлоқ хўжалиги

ПИЛЛА МАВСУМИ БОШЛАНДИ

● Наманган тумани хўжаликларида ипак қурти уруғини жонлантириш бошланди. Тез орада вилоятнинг ҳамма хўжаликларида қурт боқишга киришилади. Бу йилги мавсумда 50 минг қутига яқин, яъни ҳар бир онлавий звенога ўртача 20 граммдан уруғ тарқатилади.

Энди, пилла эркин нархда сотиладиган бўлганидан кейин, пиллакорларнинг оғир меҳнатига тўланадиган ҳақ ҳам ортиши керак. Ипак қуртини боқиш мавсуми тугамасдан туриб пиллакорлар билан ҳисоб-китоб қилиш бошланди: айрим хўжаликларда иш ҳақининг бир қисми ҳозироқ тўланмоқда.

● Ихтиро ва амалиёт

СУВ ТОЗАЛАЙДИГАН ҚУРИЛМА

● Чирчиқдаги экологик қимёвий асбоблар заводи мутахассислари сувни ультрабинафша нурлар ёрдамида микроорганизмлар ва турли аралашмалардан тозалаб берадиган ихчам қурилма ясадилар.

Ундан фойдаланиш яроқли ҳисобланмаган манбалардан ҳам тоза сув олиш имконини беради. Бундай ихчам қурилма фермаларда, дала шийпонларида, болалар муассасаларида, ошхона ва шифохоналарда сифатли сув олиш учун жуда зарур.

Пул билан таъминлаш масаласи ижобий ҳал этилган тақдирда бу йил ихчам қурилманинг тажриба намуналарини ишлаб чиқариш, сўнгра эса уни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш назарда тутилмоқда.

● Ҳунармандчилик

ДИГАР — ҚАДИМИЙ ГАЗЛАМА

● Марғилон қадимдан халқ ҳунармандлари билан шуҳрат қозонган. Шаҳардаги «Ёдгорлик» жамоа корхонасида абрбанд рассомлар Муҳаммаджон Мамадалиев ва Турғунбой Мирзааҳмедовнинг изланишлари натижасида «Қалампир», «Капалак», «Қўчқоршох», «Бешпанжа» сингари XIX асрда машҳур бўлган дигар газламасининг 10 хили тиклади.

Маҳсулот намуналари кекса косибларнинг маслаҳати ва тарихий фотосуратлар асосида яратилди. Дигар атласга нисбатан анча чидамли бўлиб, қадимда бу матодан эркак ва аёллар либоси тикилган.

Марғилонлик усталар дигар газламасини қайта тиклаш билан бирга, уни янада такомиллаштирмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми хорижий валютага сотилаётир. Бу ишда Тошкентдаги халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш маркази ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси усталарга ёрдам бермоқда.

(Мухбирлар, ЎзА хабарлари ва хатлар асосида тайёрланди).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

• *Партия фаоллари минбари*

ХАЛҚ МАДАДИГА ТАЯНИБ...

Бизнинг партиямиз ўз фаолиятини маъмурий-буйруқбозлик асосида эмас, балки халқ билан, турли сиёсий партиялар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик асосида олиб бормоқда. Биз туман ҳокимлиги, Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари, муассасалар билан иқтисодий-ижтимоий, кадрлар масалаларида ўзаро битимга эгамиз.

Туман партия кенгаши шунга кўра бир қатор сиёсий-ташкилотчилик ишларини амалга ошираётир. Раҳбарлик лавозимларида ишлаётган кадрларнинг аксарият қисми туман партия кенгаши, бошланғич партия ташкилотларининг розилиги ва тавсиясига кўра қўйилган. Жумладан, туман партия кенгаши аппаратида ишлаган Б. Шафкаров 62-автохўжалик директорлигига, «Боғучорбоғ» ижара хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби вазифасида ишлаган Қ. Саодатов «Боғучорбоғ» қишлоқ оқсоқоллигига, У. Юсупов номли жамоа-ширкат хўжалиги ёшлар ташкилоти котиби Ш. Панжиев шу хўжалик бошланғич партия ташкилоти котиблигига тавсия этилди. Улар бугунги кунда ўзларига ишониб топширилган вазифани сидқидилдан уддалаш учун астойдил ҳаракат қилишяпти.

Туман партия ташкилотлари аҳоли ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий тушунтириш ишларини фаол олиб боришаётир. Халқимиз ҳаётидан кенг ўрин олган саналарни нишонлашда партия аъзоларимиз бош-қош бўлишмоқда. Партия ташкилотларимиз, унинг кўп сонли фаоллари бугунги кунда меҳнат жамоаларида ва аҳоли истиқомат жойларида республика Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорларини тушунтиришда, уларнинг ижросини назорат қилишда ҳам иштирок этишяпти. Бу эса ташкилотнинг таъсирини тобора оширмоқда.

Туман партия кенгаши атрофига уюшган ХДП аъзолари муҳим ҳаётий тармоқ — қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётирлар. Ҳозирги вақтда партия аъзоларининг салкам учдан икки қисмга яқинроғи ана шу соҳада хизмат қилмоқда ёки унинг тараққий этишига кўмаклашаётир. Биз чорвачилик ва деҳқончиликни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган партия аъзоларининг ташаббусларини, тажрибаларини ўрганиб, кенг оммалаштирмоқдамиз. Республика Президенти ва ҳукуматининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий , ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан қабул қилган Фармон ва қарорлари қандай ижро этилаётганлиги хусусида раҳбар партия аъзоларининг ҳисоботларини эшитяпмиз, партия ташкилотлари олиб бораётган сиёсий-ташкилотчилик ишларини муҳокама этмоқдамиз.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги, чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш ҳажмининг ошаётганлиги ана шу тадбирларимиз натижасидир.

Туман партия кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари қошида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт истиқбол режасини белгиловчи ҳамда Республика Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорларини тушунтириш, уларнинг ижросини назорат қилиш ишлари билан шуғулланувчи махсус гуруҳ (комиссия) иш олиб боряпти. Президент Фармони эълон қилинган кундан бошлаб, ана шу гуруҳ ишга киришади. Гуруҳга туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши масъул ходимлари, хўжалик, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партия, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари уюшгандир.

Партия кенгаши Президент Фармонларининг ижроси юзасидан ўз йиғилишларида партия аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари олиб бораётган мафкуравий, сиёсий-ташкилотчилик ишларини вақти-вақтида муҳокама этиб бормоқда. Бу соҳада ишларимиз маҳаллий матбуот орқали ёритиляпти.

Ҳозирги пайтда партия аъзолари билан 45 та бошланғич, 66 та цех партия ташкилоти ва 68 та партия гуруҳи иш олиб бормоқда. Партия ташкилоти етакчиларининг кўпчилиги олий маълумотли, халқ хўжалигининг бирор соҳасида ишлаётган мутахассис кадрлардир. Ўтган йили 70 нафар йигит-қиз Ўзбекистон ХДП сафига ўтиш истагини билдиришди. Айни пайтда ХДПга ўтаётганларнинг аксарият қисми 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Партияга қабул масаласида биз сон кетидан қувишга, шошма-шошарликка йўл қўймаяпмиз.

Партиямиз обрўси ошиб бораётганлигининг асосий сабабларидан бири унинг халқ ташвиши ва дарди билан яшаётгани, кишилар манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганлигида, деб биламан. Кам даромадли, кўп болали оилалар, қариялар, уруш ва меҳнат ногиронлари, етим-есирлар, боқувчисидан жудо бўлганларга ғамхўрлик ҳамиша бизнинг диққат-эътиборимиздадир. Биз бундан кейин ҳам аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоялаш масаласини ўз фаолиятимизнинг муҳим йўналиши, деб ҳисоблаймиз. Бу борада «Кўкбулоқ», Ибн Сино, У. Юсупов номли жамоа-ширкат хўжаликлари, «Бозортепа» ижара хўжалиги партия ташкилотлари (котиблари А. Бозоров, Ж. Муқимов, Ш. Панжиев, Н. Бекмирзаев) ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Янги йил арафасида Қорашина қишлоғи марказидаги «Деҳқонобод» ресторанида ўтказилган икки ёшнинг никоҳ тўйига туман партия кенгаши оталиқ қилди. Деҳқонобод посёлкасида истиқомат қилувчи қариялар — партия фахрийси Очил бобо Нуралиев ва меҳнат фахрийси Улдоно момо Жулановаларнинг фарзандлари — куёв йигит Жаҳонгиржон Нуралиев ва келин Гулсара Маҳмудоваларнинг бахт тўйлари куйқўшиқлар оғушида бир умр эсда қоларли тарзда ўтказилди. Тўйда туман ҳокими ва туман партия кенгаши раҳбарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, тумандаги хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари котиблари иштирок этишди.

Бошланғич партия ташкилотларида партия аъзоларининг кўп йиллик меҳнат фаолиятидан сўнг пенсияга кузатиш одат тусига кириб қолган. Яқиндагина икки нафар ХДП аъзоси «Белибойли» ижара хўжалиги партия кенгаши котиби А. Қурбонов ва туман сув хўжалиги ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва фойдаланиш бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти котиби Ж. Раҳимовларни тантана билан пенсияга кузатдик. Уларга туман партия кенгашининг Фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Хусусийлаштириш — мулкни ҳақиқий эгасига, ишбилармон, тадбиркор ва ташаббускор шахсга топширишни тақозо этади. Бугунги кунда туман миқёсида бу тадбир изчил амалга оширилаётир. Партия ташкилотлари мулкни хусусийлаштиришнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти тўғрисида кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Маҳаллий саноат, қурилиш, савдо, коммунал ва уй-жой хўжалиги тармоқларида, қишлоқ хўжалик корхоналарида хусусийлаштириш ишлари тезкорлик билан ўтказиляпти.

Туман партия кенгаши ўз атрофига 2 минг нафардан зиёд ХДП аъзосини бирлаштириб турибди. Кенгаш ўз фаолиятини партия аъзоларидан тушаётган аъзолик бадалларидан ва тадбиркорликдан келаётган маблағ ҳисобидан юритмоқда. Айни пайтда туман бўйича ҳар бир партия аъзосидан ўртача ойига 1.100 сўмдан аъзолик бадали тушяпти. Аъзоларимиздан 275 кишини аъзолик бадали тўлашдан озод қилганмиз. Биргина 1993 йилнинг ўзида ХДП туман кенгаши ҳисобига 2 миллион 147 минг сўм аъзолик бадали тўловлари тушди. Тадбиркорлик фаолиятимиздан эса 2,5 миллион сўм даромад кўрдик.

Туман ҳокимлиги партия ташкилотини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Ҳокимлик қарори билан бултур икки жамоа-ширкат хўжалиги ҳудудида 50 гектар лалми, 50 гектар сувли ер ажратиб берилди. Дастлабки йили 100 гектар майдонга ғалла экиб, яхши ҳосил етиштирдик. Шунинг ўзидан яна қўшимча равишда 2,5-3 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаяпмиз. Бундан ташқари, «Чорвадор» хўжалиги ҳудудида 60 бош қўйимиз парваришланяпти. Яқинда туман партия кенгаши ҳузурида ишлаб чиқариш ва савдо билан шуғулланувчи «Савоб» кичик корхонасини ташкил этдик.

Миллий истиқлол мафкурасини оммага етказишда ХДП олиб бораётган ишлар туманимизда кўпчиликка маъқул ва манзур бўлаяпти.

ХДПнинг бош мақсади — инсонпарвар, демократик, адолатли жамиятни, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, Ўзбекистонни жаҳонда энг ривожланган давлатлар қаторига кўтариш. Бу курашда партиямизнинг ўз йўли, ўз услуби бор. Биз буюк мақсадларимизни амалга оширишда ҳамиша халқ мададига таянамиз.

Ҳасан ЭШМУРОДОВ,
Ўзбекистон ХДП Деҳқонобод туман кенгашининг биринчи котиби.

● ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

● Ташқи иқтисодий алоқалар Қизилтепа туман уюшмаси кўпгина ташкилотлар ҳамда фуқароларга беғараз ёрдам кўрсатяпти.

Яқинда ассоциация Навоий вилоят маориф бошқармасига қарашли иқтидорли болалар мактабига компьютерлар олиб берди. Бундан ташқари, Тошработ қишлоғида яшаб, ижод этган Хўжаҳасан Андоқийга ёдгорлик ўрнатишга 150 минг сўм, марказий касалхонага янги жиҳозлар сотиб олишга бир миллион сўм, қаровчисиз қолган қарияларга ва бошқа мақсадларга уч миллион сўмдан зиёд пул ажратди. Шунингдек, боғчаларни газлаштиришга ҳам амалий кўмак бериляпти.

— Тушадиган фойдалар ҳисобидан беғараз ёрдамимизни бундан буён ҳам аямаймиз, — дейди уюшма раиси Муҳиддин Ахтамов. — Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир даврда бундай кўмаклар савоблидир.

Баҳодир ЭГАМОВ.

ХОМ АШЁ ИЗЛАШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

● Қоровулбозор туманидаги «Қоровулбозор» қорақўлчилик давлат хўжалигида кигиз тайёрлаш йўлга қўйилди.

Хўжалик иқтисодиётини кўтариш ҳамда чорвадорлар эҳтиёжини қондириш мақсадида ташкил этилган бу янги цех учун хом ашё излаб, овора бўлинмайди. Хўжаликда режадаги 20 фоиз ва режадан ташқари етиштирилган барча жун шу ернинг ўзида қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтириляпти.

Яқинда цехнинг дастлабки маҳсулоти хўжалик чорвадорларига етказиб берилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

РАББОНИЙНИНГ НИЯТИ

● Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний шу йилнинг охиригача ўз вазифасида қолиш ниятида.

Унинг расмий вакили Азиз Мурод ана шу ҳақда хабар берди. 1993 йилда Исломободда имзоланган битимга мувофиқ Б. Раббонийнинг Президентлик муддати июнь ойида тугаши керак. Аммо Бош Вазир Гулбиддин Ҳикматёр бошчилигидаги 1 январь куни бошланган ҳарбий ҳаракатлар бу келишувни йўққа чиқаради, деб таъкидлади Президентнинг махсус вакили.

Мамлакатдаги вазият ҳамон нотинч бўлиб қолмоқда. Рақобатдаги кучлар ўртасидаги жанглар давом этяпти.

ВАЗИЯТ МУРАККАБЛАШДИ

● «Корея Халқ Демократик Республикаси ядро қуроли яратишга интилмайди. Бунинг учун зарурат ҳам, имконият ҳам йўқ».

Мамлакат Президенти Ким Ир Сен «Вашингтон таймс» газетаси мухбири билан суҳбатда ана шундай деди. Айни пайтда у Корея ярим оролида вазият кескинлашгани учун барча айб АҚШ ва Жанубий Корея зиммасига тушишини қайд этди.

Маълумки, Корея Халқ Демократик Республикаси раҳбарияти МАГАТЕ экспертларининг мамлакат ядро марказларига киришини чеклаб қўйганлиги сабабли АҚШ Жанубий Кореяда зенит ракеталари ўрната бошлади. Ким Ир Сеннинг таъкидлашича, бу қадам Корея ярим оролидаги вазиятни янада мураккаблаштиради.

ТОРТИШУВЛАР ҚИЗҒИН

● 8 апрель куни Япония Бош вазири Морихиро Хосокава истеъфога чиққанидан буён мамлакатда сиёсий танглик ҳукм сурмоқда.

Етакчи етти партия вакиллари ўртасида янги номзод юзасидан қизғин баҳс ва тортишувлар давом этяпти. Кейинги маълумотларга қараганда, мамлакат ташқи ишлар вазири Цутому Хата номзоди кўпчилик томонидан маъқулланмоқда. Фақат социал демократик партия раҳбарияти бироз қаршилик кўрсатяпти. Аммо яқин кунларда парламентда янги Бош вазир сайлови ўтказилади.

ОТИШМАЛАР ДАВОМ ЭТЯПТИ

● Босния ва Герцеговинадаги Гораже шаҳри атрофидаги вазият ҳамон мураккаб бўлиб турибди.

Серб кучлари жанговар ҳаракатларни тўхтатишга қарор қилган бўлсалар-да, отишмалар давом этяпти. Граждан аҳолининг аҳволи тобора оғирлашмоқда. Озиқ-овқат ва дори-дармон етишмаяпти. Халқаро инсонпарварлик ёрдами олиб келиш ва ярадорларни жўнатишнинг имкони бўлмаяпти.

Маълумки, Россия Президенти Борис Ельцин сербларни Россияга берган ваъдаси устидан чиқиш ва Горажде атрофидан чекинишга, айни пайтда барча низоларни бартараф этиш учун музокаралар бошлашга даъват этган эди. Бу даъват АҚШ Президенти Билл Клинтон томонидан ҳам маъқулланди.

КЛИНТОННИНГ АЙТГАНИ

● Билл Клинтон маъмурияти Босния можаросини ҳал қилишнинг бутунлай янги йўлини ишлаб чиқди.

Унга кўра, НАТО ҳарбий ҳаво кучларининг Босниядаги ҳаракати кенг тус олади, сербларга қарши иқтисодий жазо чоралари янада кучайтирилади, халқаро қўшинлар сони ва минтақадаги тинч аҳолига инсонпарварлик ёрдами ҳажми ортади. «Бизнинг асосий мақсадимиз иттифоқчиларимиз кўмагида рақобатчи кучларни можарони тинч йўл билан ҳал қилишга мажбур этишдир» — деди Билл Клинтон мухбирлар билан суҳбатда.

ТАШРИФ ЯКУНЛАНДИ

● Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи якунланди.

У мамлакат раҳбарияти, парламент аъзолари ва ишбилармонлар билан музокаралар олиб борди. Музокараларда асосий эътибор Покистон билан ГФР ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига қаратилди. Жумладан, немис ишбилармонларининг Покистон иқтисодиётига сармоя сарфлашини кенгайтириш, Германиянинг янги мақсадли кредитлари ва беғараз иқтисодий ёрдами борасида фикрлашиб олинди.

РОССИЯНИНГ ҚАРЗИ КЎПАЙМОҚДА

● Халқаро валюта фонди директорлар кенгаши Россия Федерациясига 1,5 миллиард доллар қарз бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу маблағ саноат тизимини янгилаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларга сарфланади. Шу билан халқаро валюта фондининг Россияга берган қарзи 4 миллиард долларга етади.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

● Ғарбий Германиянинг Ганновер шаҳрида жаҳонда энг йирик савдо-саноат кўргазмаси очилди.

Бу ерга ташриф буюрганлар саноат технологияси ва ишлаб чиқариш ускуналарининг янги намуналари билан танишишлари мумкин. Кўргазмада 60 мамлакатнинг 6.800 фирмаси ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. ГФР канцлери Гельмут Коль биринчилардан бўлиб кўргазмани бориб кўрди.

ГАЗ УЗАТИШ ҚИСҚАРДИ

● Ўтган ҳафта Россиянинг «Газпром» ҳиссадорлик жамияти Молдовага газ узатишни 30 фоизга қисқартирди.

Молдова Республикаси апрель ойига қадар олган гази учун Россияга 131 миллиард рубль тўлаши лозим. Республика ҳукумати қарздан қутулиш учун қўшимча маблағ топиш йўлларини қидирмоқда, деб хабар беради РАТА—ТАСС мухбирлари.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

ТАЛАБЧАНЛИК — БОШ МЕЗОН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақўл тумани кенгаши Бухоро вилоятида сафлар мустаҳкамлиги, кўпгина ибратли тадбирлар амалга оширяётганлиги билан эътибор қозонаётир. Бунинг бош мезони нимада?

Ҳар қандай партия ташкилотининг ўз иш услуби бўлади. Туман партия кенгаши ўз фаолиятида талабчанликни бош мезон қилиб белгилаган. Шу боис 62 та бошланғич, еттита ҳудудий партия ташкилоти ҳар томонлама ва кенг қамровли фаолият кўрсатаётир.

— Мустақил республикамизда туб иқтисодий ислоҳотлар амалга ошириляпти, — дейди ХДП туман кенгашининг иккинчи котиби Ҳикмат Шарипов. — Бундай шароитда давр билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлашимиз даркор. Партия ташкилотларининг ташкилотчилик, тарбиявий-сиёсий ишлари шу кунда кераклигини сезиб турибмиз. Аммо, айрим ташкилотларимизда ишимизнинг ана шу бўғинидаги занжир анча бўшашганлигини ўз вақтида пайқадик.

Ёдгор Сафаров номли жамоа хўжалиги тумандаги йирик хўжалик. Бу ерда партия ташкилоти таъсир кучи пасайиб кетди. Сабаби котиб Жумабой Нафисов асосий юмуши билан бўлиб, партиявий ишларга етарли эътибор бермай қўйган. Кенгашда бу масала билан жиддий шуғулланишга тўғри келди. ХДП аъзолари билан суҳбатлашилди, икки йил мобайнида котибга амалий ёрдам берилди. Аммо бу ҳам самара бермади. Ва ниҳоят, котиб ишдан бўшатилди.

Эндиликда янги котиб Неъмат Шукуров юқоридаги нуқсонларга батамом чек қўйди. ХДП аъзолари сони кун сайин ошиб, 88 нафаргa етди. Хўжаликда партия ташкилоти обрўси қайта тикланмоқда, иқтисодий ислоҳотлар дадиллик билан амалга ошириляпти.

Партия ташкилоти обрўсини ошириш, фаоллигини кенгайтириш, ташкилотчилик ишларни давр талаблари даражасига кўтариш кўп жиҳатдан унинг етакчиси — котибларнинг ишчанлигига боғлиқ. Бундан ташқари котиб ўз ишини севиши, кўпроқ одамлар орасида бўлиши лозим. «Искра» жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби Фарҳод Ҳусенов ёш бўлса-да, кейинги олти ойда шахсий тадбиркорликни ихтиёр этиб, юқоридаги бурчини унутиб қўйди. Натижада партиявий иш ўлда-жўлдалиги ҳақидаги хабардан воқиф бўлинди. ХДП туман кенгаши бундай ҳолга батамом чек қўйишни партия аъзоларининг ўзига қўйиб берди. ХДП аъзолари Ф. Ҳусеновга ишончсизлик билдирдилар. Хўжалик партия ташкилоти котиблигига Дурди Худдиев сайланди. Ҳозир Дурди ака партия аъзолари ишончини оқлаяпти, ҳамиша улар билан ҳамнафас.

Туман кенгашининг ижроия бюро йиғилишлари ва пленумларида партия ташкилотлари котиблари ҳисоботларини эшитишни канда қилгани йўқ. Бунда ҳам талабчанлик асосий мезон сифатида намоён бўлмоқда. Яқинда бўлиб ўтган ижроия бюро йиғилишида «Октябрь» жамоа хўжалиги, туман электрлаштириш корхонаси бошланғич партия ташкилотларининг ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фаолияти ҳақидаги масала кўрилди.

Бундай иш услуби жойларда партиявий ишдаги мавжуд нуқсонларни тезроқ бартараф этишда жуда қўл келмоқда. Одамларнинг ХДПга бўлган хайрихоҳлиги ошиб, унинг атрофига жипслашиш истаги кучаймоқда. Хусусан, «Зарафшон», Охунбобоев номли, «Октябрь» жамоа хўжаликлари партия ташкилотлари (котиблари Гулсара Ҳайитова, Абдулла Авезов, Тошпўлат Шарипов) обрў-эътибори ошаётганлиги фикримизнинг далилидир. Бу жойларда барча ишда ХДП аъзолари масъул. Партия ташкилотининг бошқарув билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланяпти. Аъзолар сони кўпайиб боряпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туман кенгаши жойларда туғилаётган ташаббусларни мудом қўллаб-қувватлайди, хайрли ҳаракатларни ўрганиб, уни кенг ёйиш ташвишида бўлади.

Кенгаш фаолиятини белгилайдиган мезонлардан яна бири — аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, ҳозирги қийин иқтисодий аҳволдан чиқишда уларга ҳамнафас бўлиш. Унинг сиёсий кучи ва қудрати, нуфузининг негизи ҳам ана шунда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Оққўрғон туманидаги 42-ҳунар-техника билим юртида ёшлар турли касбларга ўргатилмоқда. Айниқса, электр пайвандчилар, сувоқчи, бўёқчи, ЭҲМ операторлари, ҳисобчилар, ошпазлар, ҳатто тўқувчилар тайёрланаётгани қувончлидир. Бу ерда ёшларнинг чуқур билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Билим юрти раҳбарлари Тошкент тўқимачилик комбинати билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган. Шартномага кўра ёшлар учун 24 дастгоҳ ўрнатилган цех бунёдга келтирилди. 30 талаба эса ўқишни битиргандан сўнг тўқимачилик комбинатига ишга қабул қилинади.

СУРАТДА: ишлаб чиқариш устаси Галия Раҳимова ва бўлажак тикувчи-моористкалар Наргиза Абдурахимова, Юлдуз Тўйчиева, Фарида Раҳматова.

А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

• *Мухбир муаммо қўяди*

ЗИҒИР ЭКМАЙ ҚЎЙДИК-А?

Қишлоқда яшовчи амаким Беркинбой Раҳматовни табаррук 75 ёши билан қутлагани бордим. Амаким қариликка бўй бермай, ҳамон томорқада кетмон чопиб, молларига хашак ўради. Қишлоқнинг обрўли кишиларидан. Умри баракали бўлаётганига яраша бошидан кечирган турмуш ташвишлари ҳам жуда кўп. Навқирон 20 ёшида ҳарбий хизматга кетиб, финлар жангида қатнашган, немис-фашист босқинчиларига қарши курашган, асирлик азобларини чеккан. Хуллас, роса тўққиз йил ўша ёқларда қолиб кетган.

Урушдан қайтиб, аравакашлик қилган, мол боққан, туякаш ҳам бўлган. Туя боқиб юрган йилларида гоҳо жувозкашлик қилиб, қишлоқни зиғир ва кунжут ёғига сероб этган.

Амаким бугун ўша йилларни эсларкан, «Афсус, афсус, зиғир экмай қўйдик-да», дея уҳ тортади.

— Қишлоғимизда зиғир экишармиди? — деб сўрайман мен.

— Деярли кўпчилик хонадонлар экишарди, — дейди у киши. — Бизнинг ҳам иккита хўкизимиз бўларди, ювош, бақувват. Уларни қўшга қўшиб, ер ҳайдардим-да, зиғир экардим. Еримиз лалми бўлса ҳам зиғиримиз ҳосили яхши бўларди, гектар бошига ҳисоблаганда 5—6 центнергача йиғиб олардик. Ярми колхозники, ярми ўзимизники бўларди. Ана шу қолган ярмига яна шунча кунжут ва оз-моз чигит қўшиб, 250—300 кило ёғ ғамлардим. Бу ёздан у ёзгача етиб-ортарди.

— Кунжутни қаердан олардингиз?

— Атрофдаги сувли қишлоқларнинг деҳқонлари экишарди.

Амаким зиғирнинг жуда қадимий (ҳатто, пахтадан ҳам олдинги) маданий экин бўлганини гапириб, хосиятларини санайди. Зиғир таркибида 45 фоиз ёғ бўлса, кунжут таркибида 60 фоизгача ёғ бўларкан. Кунжут ҳосилдорлиги зиғирникидан 2—3 баравар кўп. Агар буларга ерёнғоқ, кунгабоқар, ундов, ўрик данаги мағзи каби юртимиздаги сероб маҳсулотлар ҳам қўшилса, ёғ деганингиз мўл-кўл бўлиб кетарди. Лекин, афсуски, зиғир экмай қўйдик, кунжутни ҳам кейинги йилларда баъзи ишбилармонлар зиғир толасини ажратиб, ип йигирганлар.

Кўпни кўрган амакимнинг гаплари ўйга солади мени. Кўз олдимга Самарқанд вилоятининг Челак, Иштихон ва Каттақўрғон шаҳарларидаги гавжум бозорлар келади. Уларда ҳамиша зиғир ва кунжут ёғлари сотилади. Бозорга келтирилган оқ ёғ-у, сариқ ёғлардан ҳам илгари ана шу ёғлар талаш бўлиб кетишини кўп кузатганман. Таркибида ундови бўлган зиғир ва кунжут ёғлари янада харидоргир бўлади.

Қизиқ, нега республикамизнинг ҳамма жойида зиғир ва кунжут ёғлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкин эмас? Зиғир таркибида 45 фоиз ёғ бўлса, кунжут таркибида 60 фоизгача ёғ бўларкан. Кунжут ҳосилдорлиги зиғирникидан 2—3 баравар кўп. Агар буларга ерёнғоқ, кунгабоқар, ундов, ўрик данаги мағзи каби юртимиздаги сероб маҳсулотлар ҳам қўшилса, ёғ деганингиз мўл-кўл бўлиб кетарди. Лекин, афсуски, зиғир экмай қўйдик, кунжутни ҳам камдан-кам экмоқдамиз. Агар бу ёғли ўсимликларни кўпроқ экишни қайтадан йўлга қўйсак, қанча-қанча чигит тежалиб, бошқа корҳолларимизга яратиларди. Бунинг устига истеъмол қиладиган ёғларимиз экологик жиҳатдан янада тоза, шифобахш бўларди.

Тўғри, бу экинлардан саноат асосида ёғ олиш йўлга қўйилмаган. Лекин йилига атиги 2—3 ой ишлаб, хом ашё йўқлигидан бекор турган кўплаб жувозлар мавжуд. Масалан, биргина Жиззах вилоятида ўндан ортиқ шундай корхона гоҳ ишлаб, гоҳ ишламай турибди. Ишончим комилки, бошқа вилоятлардаги жувозлар ҳам шу аҳволда.

Ҳар гектар зиғирзордан камида 5 центнер зиғир олиш мумкин экан. Бу — 225 кило, борингки, 200 кило ёғ бўлсин. Ҳосилдорлиги 30 центнер бўлган ҳар гектар пахтазордан 18—20 центнердан чигит олинади. Чигит ёғлилиги 10—12 фоиз эканини ҳисобга олиб, буларни таққосласак, бир гектар зиғирзордан ва шунча пахтазордан олинадиган ёғ миқдори тенгдир. Иккала экин ҳам яхшигина тола беради. Зиғир лалми ерларда ҳам яхши ўсади. Хусусан, Жиззах вилоятидаги Фориш, Ғаллаорол, Бахмал, Зомин ва Зарбдор туманларига қарашли қир-адирларда зиғир етиштиришни йўлга қўйиш мумкин. Суғориладиган ҳудудларда ҳам экилса, янада яхши бўлади. Кунжут, ундов, кунгабоқар ва бошқа ёғли экинлар ҳақида ҳам шундай деб ўйлайман. Эҳтимол, ёғли ўсимликлар ўстиришнинг қулай имкониятлари бошқа вилоятларда янада кўпроқдир.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

янгиликлар воқеалар хабарлар

SOYEZ LE BIENVENU EN OUZBEKISTAN, PRÉSIDENT MITTERAND !



Depuits 25 ans, le coton d'Ouzbekistan a tenu une place tres importante pour l'industrie textile mondiale. Cette importance est devenue grandissante au fil des annees.

Le coton d'Ouzbekistan a ete la composante essentielle de la production cotonniere de l'U. R. S. S. (environ les 2/3). Cette production continue a garder sa place a l'interieur de la communaute des etats independants. C'est a dire la premiere place a la tete des producteurs de coton d'Asie Centrale.

L'Ouzbekistan est egalement dans le groupe de tete des pays exportateurs de coton.

Ce double titre cree des devoirs a la republique d'Ouzbekistan et a ses dirigeants politiques qui sous la direction du president Karimov s'acquittent tres efficacement de la lourde tache de maintenir et de developper la position du coton d'Ouzbekistan.

Au lendemain de l'accession a l'independance des republiques composant l'ancienne U. R. S. S., la communaute cotonniere europeenne et mondiale a connu des craintes enormes quant a l'avenir de la production et de la commercialisation du coton d'Ouzbekistan.

Des bruits malveillants dont il est difficile de determiner les sources ont essaye de faire croire que la qualite du coton d'Ouzbekistan baisserait immediatement apres l'indepencance. Ces bruits avaient pour seul but de devaloriser le coton et en diminuer la valeur.

La competence des services de l'etat et des collectivites en matiere de production cotonniere aides, il faut le dire, par des conditions climatiques extremement favorables, ont permis de garder au coton ouzbeque ses qualites tres perforfmantes.

Il est toutefois de notre devoir de signaler que certains pays producteurs de coton de la zone ont connu cette saison des problemes serieux d'attaque de vers.Une alarme a ete lancee il y a une dizaine de jours par l'International Coton Advisory Committee. On connait les degats subis par les recoltes du Pakistan, de l'Inde et de la Chine.

Des mesures de protection sont indispensables car l'or blanc de l'Ouzbekistan est trop important pour la republique et ses acheteurs pour negliger toutes mesures conservatoires pour ecarter tout danger d'infestation. De plus, tous les jours des varietes nouvelles de coton sont creees apportant des ameliorations a la matiere premiere noble que constitue le coton.

Il nous semble qu'une cooperation entre les services ouzbeques et le C. I. R. A. D. francais, centre de recherches pour les fibres textiles, serait des plus souhaitables. A la faveur de la visite du President de la Republique Francaise monsieur Francois Mitterand au President Karimov, ceci pourrait constituer un important point de cooperation entre les deux pays.

Le C. I. R. A. D. est un organisme de recherche pour les fibres textiles qui appartient a l'etat francais et qui assure la cooperation francaise aux pays producteurs de coton. Le CIRAD a fait des realisations tres appreciees aussi bien dans toute l'Afrique qu'en Amerique du sud.

La place mondiale qu'occupe l'exportation ouzbeque de coton lui impose aussi des devoirs en matiere de commercialisation.

Toute decision ouzbeque constitue une chose importante pour les marches cotonniers.

Les mois qui ont precede et suivi l'independance de l'Ouzbekistan ont connu une mise en place d'une pratique de commercialisation bien specifique: le troc ou le barter. Les affaires se sont multiplieers dans ce sens et nous avons assiste a deux resultats:

— les affaires de barter ont eu pour resultat de mettre des quantites considerables entre les mains de maisons qui n'avaient jamais entendu parler de coton auparavant. Ceci a cree une ambiance degradee pour la

La suite des evenements a prouve qu'en n'en etait rien. Le coton ouzbeque a garde toutes ses qualites qui en font un des meilleurs cotons dans sa categorie, utilises en Europe. Il est de plus en plus apprecie et recherche par les filateurs a cause de la maturite de la fibre, de sa regularite, de sa resistance et de toutes ses qualites de la filabilite.



— les affaires de barter ont eu pour resultat de mettre des quantites considerables entre les mains de maisons qui n'avaient jamais entendu parler de coton auparavant. Ceci a cree une ambiance degradee pour la commercialisation.

— le coton D'Ouzbekistan se trouve au bas de l'echelle des composantes de l'indice de Liverpool. Ceci represente un manque de recettes pour l'ensemble du coton ouzbeque entre 5 et 10 pourcent par rapport a l'indice et une perte beaucoup plus grande puisque la faiblesse des prix du coton ouzbeque inffluence fortement a la baisse l'ensemble de l'indice.

Interroge a Paris lors de la visite officielle, le President Karimov avait exprime le souhait de mettre un terme a toutes les affaires de barter et son desir de structurer la commercialisation du coton ouzbeque.

Nous pensons qu'il est temps que des professionnels donnent au coton de cette republique la vraie valeur qu'elle doit occuper, c'est a dire le sommet de la pyramide des prix eu egard a ses qualites de filabilite.

Il ne fait aucun doute que les progres realises a ce jour par l'administration ouzbeque finiront par doter le coton ouzbeque d'une commercialisation adequate faite en partenariat avec des vrais professionnels.

Garabed D. Kassarian
Ingenieur textile E. S. I. T. E.
President de SICLE
President Association Francaise Cotonniere

ORIGATE

ORIGATE Une joint venture entre MULTEK — societe francaise et TASHIMPEX — societe ouzbek. Republigue Ouzbekistan est une des plus belles et riche republique independante de l'ancienne Union Sovietique. Ouzbekistan est non seulement une republique pittoresque mais elle possede aussi de l'industrie et l'agriculture developpe, des ressources minerales diverses. La culture riche et originale de l'Ouzbekistan appartienne a la culture mondiale. Elle est surtout remarcablement presente dans les anciennes vlles Boukhara, Samarkande, Khiva ...

Les relations de la France et l'Ouzbekistan dans les domaines differents presentent actuellement un grand interet. La societe francaise MULTEK a des bonnes relations aves la Mairie de Tachkent et d'autres regions (Andijan, Namangan...) depuis 1992. MULTEK — societe d'ingenierie, de construction et de commercialisation francaise, a une longue histoire de cooperation avec l'ancienne Union Sovietique et actuellement avec les nouvelles republiques independantes. En particulier MULTEK a realise au travers de sa filiale MUP industrie et en cooperation avec le groupe francais GENEST des usines de production de circuits imprimes electroniques en Ukraine et en Azerbaidjan.

MULTEK developpe actuellement differents projets relatifs a:

— des hotels modulaires
— des centres d'affaires
— des hopitaux modulaires
— des dispensaites (unites dentaires) modulaires
— des unites de transformation de cotton (filerie, tissage)

En Ouzbekistan, pars de tradition disposant d'un potential economique considerable MULTEK a cree fin 1993 une joint venture avec la societe ouzbek TASHIMPEX. C'est en effer grace a TASHIMPEX, societe dependant de la Mairie de Tachkent, disposant d'une experiense et d'une connaissance de l'Ouzbekistan tout a fait remarquable, que ORIGATE envisage de developper des relations importantes entre l'Ouzbekistan et la France au travers de:

— usines de filerie et de tissage
— hotels touristiques et centre d'affaire
— des hopitaux et dispensaires
— centre de commercialisation de produits francais a Tachkent.

Nigmatulla Kh. Abdoullaev
General Director
TASHIMPEX company

ШАРҚ ДАРВОЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси табиати гўзал ва тарихан кўҳна ўлкалардан биридир. Ўзбекистон диёри на фақат сулим манзаралари, балки ривожланган индустрияси ва қишлоқ хўжалиги, турли маъдан манбалари билан диққатни жалб этади. Мамлакатнинг ўзига хос бой ва жозибали маданияти жаҳон маданияти билан узвий бирикиб кетган. Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа кўҳна шаҳарларининг меъморчилик санъатида бу маданият мужассамлашган.

Ўзбекистон ва Франциянинг турли соҳалардаги алоқалари ҳозирги пайтда катта қизиқиш уйғотмоқда. Франциянинг "МУЛЬТЕК" корпорацияси Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва минтақанинг Андижон, Наманган шаҳарлари билан 1992 йилдан буён яхши алоқалар ўрнатган.

"МУЛЬТЕК" йўллар ва биноларни бунёд этишга ихтисослаштирилган корпорация ҳисобланади. У ўз фаолиятида турли ихтисосликдаги модулли медицина муассасалари, социал мақсаддаги объектлар, меҳмонхоналар, саноат корхоналарини Франциянинг ўзида лойиҳалайди ва у ердан бинолар бўлакларини тайёрлаб етказиб беради, нисбий электрон моддалар ишлаб чиқариш соҳаларида заводлар ва технологик жараёнларни лойиҳалайди, Шарқий Европа мамлакатларида ишлаб чиқаришни ташкил этади ва Ғарбий Европага экспорт қилади, таклиф этилаётган объектлар қурилиши лойиҳаларини тайёрлаш учун мол айирбошлаш асосида молиявий маблағ билан таъминлашни ташкил этади, хом — ашёлар (рангли металлар, тилинган ёғочлар, химия саноати маҳсулотлар)ни Шарқдан Ғарбий Европага етказиб бериш савдоси билан шуғулланади.

"МУЛЬТЕК" жумладан ўзининг "МУР" филиали воситачилигида ва Франциянинг "ГЕНЕСТ" гуруҳи ҳамкорлигида Украина ва Озарбайжонга электр ёзув машинкалари ишлаб чиқариш заводлари қурилиши бўйича индустрия бўлакларини етказиб беради.

"МУЛЬТЕК" ҳозирги пайтда меҳмонхоналар, касалхоналар, модулли диспансерлар (тиш даволаш марказлари), пахтани қайта ишлаш марказлари (йигирув тўқув ишлаб чиқариши) қурилишлари бўйича турли лойиҳаларни ривожлантирмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий куч — қудрат анъанавий жойлашганлигини инобатга олиб, "МУЛЬТЕК" 1993 йилнинг охирида Тошкент шаҳархокимлиги қошидаги "ТОШИМПЭКС" билан ҳаммуассисликда "ОРИГЕЙТ" ҳамкорликдаги ўзбек — француз корхонасини ташкил этди.

"ТОШИМПЭКС"нинг Ўзбекистон тўғрисида катта тажриба ва етарли билими туфайли "ОРИГЕЙТ" Ўзбекистон ва Франция ўртасида фойдали алоқаларини ривожлантиришни мўлжалламоқда. Режалар йигирув — тўқув фабрикалари, осмонўпар бинолар қурилиши, касалхоналар ва диспансерлар, Тошкентда француз маҳсулотлари савдоси бўйича марказларни ташкил этишдан иборат.

Неъматулла АБДУЛЛАЕВ,
"ТОШИМПЭКС"
бош раҳбари.

• *Халқаро кўргазма*

ГАННОВЕР ЎЗБЕКИСТОННИ ОЛҚИШЛАМОҚДА

Ўтган йили Кореянинг Тайжон шаҳрида бўлиб ўтган «Экспо—93» халқаро кўргазмасида қатнашиб, кумуш медалга сазовор бўлган республикамизни эндиликда жаҳондаги кўпгина мамлакатлар ўз кўргазмаларида қатнашишга таклиф қилишмоқда.

20—27 апрель кунлари Олмониянинг Ганновер шаҳрида анъанавий «Ганновер—Мессе—94» халқаро кўргазмаси ишламоқда. Собиқ Иттифоқ парчаланиши натижасида Осиё қитъасида мустақил мамлакатларнинг вужудга келиши ушбу кўргазмада «Шарқ-Ғарб» уюшмаси» номли янги иборани касб этди. Анжуман Шарқ ва Ғарб ишбилармонлари учун ахборот маркази ва учрашув масканидир.

«Ганновер — Мессе—94» ярмаркасида Шарқий ва Ғарбий Овруподаги саноат корхоналари кичик ва ўрта фирмаларининг ишбилармонлари алоқалар ўрнатиш, қўшма корхоналар тузиш, шерикларнинг иқтисодий имконини ўрганиш, экспорт, буюртма, молия масалалари билан батафсил танишадилар. Шунингдек, кўргазма дастурида божхона йўриғи, сермаҳсул ҳамкорлик, маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш масалалари муҳокамаси ҳам кенг ўрин олган. Кўргазма павильонларида автоматика, саноат роботлари, турли дастгоҳлар, материалларга ишлов бериш технологияси, энергетика, қурилиш соҳаларига оид бўлимлар бор.

Ганновер саноат ярмаркаси бир ҳафталик иқтисодий дастурни ишлаб чиқди. Жаҳоннинг етакчи давлат, молия ва илмий-иқтисодий институтларидан турли таклифлар келиб тушди. Кўргазмада халқаро, Умум Европа, мустақил мамлакатларнинг ташқи иқтисодий фаолияти масаласи кун тартибига қўйилган асосий масаладир. Ушбу кўргазма учун жаҳоннинг 50 дан зиёд мамлакатидан 6000 дан ортиқ меҳмонга жой ажратилган. Ярмарка қатнашчилари учун ҳамма шароитга эга бўлган меҳмонхоналар тайёрлаб қўйилган. Турли тадбирлар ўтказиш учун конференция заллари кўргазма ихтиёрига берилган. Қуйи Саксониянинг гўзал ва тарихий обидаларга бой пойтахти Ганновер бўйлаб қизиқарли саёҳатлар уюштирилади. Кўргазма қатнашчилари ва меҳмонлари Херренхаузен боғи, Кастнер, Хохен—Уфер тарихий музейлари, 1652 йилда қурилган, иккинчиси жаҳон уруши даврида вайрон бўлган ва қайтадан тикланиб ҳозирги кунда олмон олимлари саройига айланган XIV асрга оид Бегинем минораси ва ҳоказолар билан танишадилар. Гўзал Ганновер шаҳрида «ЭКСПО—2000» халқаро кўргазмасини ҳам ўтказиш мўлжалланган. Ҳар йили бу шаҳарда ўтказиладиган савдо ярмаркалари ва конгрессларда жаҳоннинг 100 дан зиёд мамлакатларидан ишбилармонлар қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг ривожланиши чет эллик ишбилармонлар диққатини ўзига қаратмоқда. Шу боисдан кўргазма маъмурияти республикамизни шу анжуманга таклиф этди. 25 апрель куни «Ўзбекистон иқтисодий кунлари» бошланди. Бу тадбир жараёнида меҳмонлар жумҳуриятимиз билан яқиндан танишдилар. Ўзбекистон ҳақида фильмлар намойиш этилди, ўзбек миллий мусиқаси янгради, жумҳурият корхоналари фаолияти ҳақида кинофильмлар кўрсатилди ва турли мавзуларда маърузалар ўқилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг саноати, ишбилармонлик, илмий имкониятлари ҳақида маълумот, чет эл ишбилармонлари учун шарт-шароит яратиш, хусусийлаштириш ва маблағ ажратиш имкониятлари, кам харажат билан муваффақиятли бизнес қилиш, ишбилармонликни ривожлантиришда давлат, тижорат ва тижорат бўлмаган соҳаларга кўмак, Ўзбекистон бозорида маркетинг изланишлари, Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши каби маърузалар қамраб олинди. Шу куни жумҳуриятимизнинг расмий вакиллари ва ишбилармонлари билан учрашувлар ўтказилди. Шу санага бағишлаб махсус «Ўзбекистон — буюк имкониятлар мамлакати» мавзусида кўргазма ташкил этилди. Республикамизга ажратилган бўлим Ўзбекистон харитаси билан бошланади. Унда жумҳуриятимизнинг аҳолиси, ҳудуди, йирик шаҳарлари, фойдали қазилмалари, транспорт йўллари яққол кўрсатилган, Ўзбекистон ҳақида кўпроқ маълумот бериш учун пештоқ устунлардан моҳирлик билан фойдаланилган ва уларда Президентимиз Ислом Каримовнинг Олмониядаги саёҳати ва ишлоқ хўжалиги ҳамда фан соҳасидаги маълумотлар ўрин олган. Халқаро Ганновер ярмаркаси Ўзбекистон давлати доврўғини жаҳон оммасига намойиш этмоқда.

Маҳмуда ИСМОИЛОВА,
«Ўзэкспомарказ» ходими.

• *ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР*

БАРАКАСИНИ БЕРСИН

● Тошкентнинг «Бектемир» мавзесида «Меҳр-шафқат марафони» ўтказилди.

Ҳайрия маблағлари солинаётган қутича ёнига туман маҳаллалар қўмитаси кенгашининг раиси Р. Хайруллаев яқинлашиб: Бисмиллаҳир Раҳмонир Роҳим. Биримизга минг берсин, йилимиз барракали бўлсин», дея дуо қилиб, бир неча минг сўм-купонни ташлади. Шундан кейин «Маърифат», «Миришкор», «Истиқбол», Олим Аширов номли ва бошқа маҳаллаларнинг оқсоқоллари ҳам ўз атаганларини ночор, ёлғиз ва етим-есирларга бағишлашди. «Бизники қутичага сиғмайди», — деди Тошкент шаҳар корейслар «Уйғониш» жамиятининг меҳр-шафқат комиссияси раиси А. Цой. У қути ёнида икки кўрпа-ёстиқ йиғмасини келтириб қўйди. Бектемир тумани корейслари номидан эса иккита ошхона асбоблари йиғмаси топширилди. Шунингдек, Тошкент мотор заводи 1,5 миллион, туман савдо ташкилоти 1 миллион сўмлик саховат кўрсатишди. Ўзига хос байрамда ҳаваскорларнинг чиқишлари бўлди. Йиғилган маблағлар эса муҳтож онлаларга бўлиб берилди.

Жўра ТОЖИ.

АДИБ ВА САНЪАТКОР БИЛАН УЧРАШУВ

● Кеча Республика Ички ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Маданият ва маданий меросни асраш қўмитасининг раиси, Республика халқ ноиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат академик драма театри раҳбари, халқ артисти Ё. Аҳмедовлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Севимли ёзувчимиз Пиримқул Қодиров ўз тарихий асарлари қаҳрамонлари — уларнинг яратилиш тарихи ва аҳамияти хусусида қисқача гапириб берди. Киши маънавиятини юксалтиришда маърифатли инсон бўлиб етишишда шеъриятнинг аҳамияти беқиёслиги хусусида тўхталган Ёқуб Аҳмедов эса Бобур рубоийларидан намуналар ўқиб, Пиримқул Қодировнинг асари асосида тайёрланаётган спектаклдан бир парча ижро этиб берди.

Ш. РЎЗИЕВ,
Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

СПОРТ

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

● Шаҳрисабзда олий лига шахматчилари ўртасида ўтказилаётган мусобақа мухлисларда қизиқиш уйғотмоқда. Кучлиларни саралаш баҳсининг очилиши ҳам ўзига хос байрамга айланди.

Оқсарой олдида қарийб 500 дан ортиқ мухлис тўпланди. Туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларининг вакиллари қатнашган бу маросимда тарихчи олим Мамажон Муҳиддинов шахмат маданияти азалий меросимиз экани ҳақида қизиқарли маъруза қилди. Бугунгача мусобақанинг 11 тури ўтказилди. Чирчиқлик Михаил Салтаев халқаро спорт устаси номига лойиқ эканини намойиш этмоқда. Унинг ҳисобида 7,5 очко тўпланган. Тошкентлик Дилмурод Раҳимов билан Рустам Қосимжонов ҳамда самарқандлик Шуҳрат Сафинлар 6,5 тадан очко жамғаришди.

ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

● Эртага олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг навбатдаги учрашувлари ўтказилади.

Бешинчи тур ўйинлари эса қуйидагича якунланди: «Пахтакор» — МҲСК — 2:0, «Политотдел» — «Янгиер» — 1:1, «Навбаҳор» «Наврўз» — 0:0, «Атласчи» — «Нефтчи» — 1:3, «Нурафшон» — «Чирчиқ» — 3:1, «Орол — «Трактор» — 0:0, «Гулистон» — «Сўғдиёна» — 0:0, «Темирйўлчи» — «Сурхон» — 2:0. Ҳозир «Нефтчи» 8 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Политотдел», «Трактор», «Навбаҳор», «Сўғдиёна», «Наврўз», «Пахтакор» «Нурафшон», жамоаларида 6 тадан очко бор.

• *Она-табиат—қўриқхона*

НУРОТА ЖОЗИБАСИ



Ўзбекистон давлат ўрмон қўмитаси қошидаги овчилик бўлими ходимлари республикамиз ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ҳайвонлар салмоғини оширш борасида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Биз ҳозир Қизилқум ёввойи қўйлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Қизилқум ёввойи қўйи маҳаллий аҳоли тилида олқор деб аталади. Олқор фақат Нурота тоғларидагина сақланиб қолган. Йўқолиб кетиши хавфи бўлганлиги учун уни Ўзбекистон қизил китобига киритган ва айнан шу ҳайвонларни сақлаб қолиш учун Нурота қўриқхонаси ташкил этилган.

Бу ерда ноёб ҳайвонларни асраб қолиш ва кўпайтиришга катта эътибор бериляпти. Масалан, қўриқхоналарда уларни кўпайтириш борасида тажрибалар, кузатувлар олиб борилмоқда. Бу тажрибалар яхши натижа берса келгусида олқорларнинг махсус парваришхонаси ташкил қилинади.

Ҳа, олқорларнинг камайиб кетиш ҳоллари сезилмоқда. Айниқса, бу ҳол февраль — апрель ойларига тўғри келади. Чунки аксарият урғочи олқорларда бўғозлик даври — ҳаракатланишга қийинчилик туғдирган пайт ҳисобланади. Бундай қулай имкониятга эга бўлган йиртқич бўриларнинг ҳужумлари кўпинча муваффақиятли якунланади. Апрель охири мобайнида эса бу олқор қўзилари ҳаётига ҳаводан туриб хавф солувчи бургут каби йиртқич қушларнинг «ов жараёни» уларнинг камайишига олиб келади. Баъзи пайтлари олқорларни овлаш учун броконерлар қадам ранжида қилиб турадилар.

Қизилқум қуйи бебаҳо генофонд ҳисобланади. 1954—64 йиллар давомида «Нурота» наслчилик заводида (жониворлар билан қоракўл қўйларининг гибридизация қилиниши яхши натижа берган. Бундай қўзиларнинг териси биринчи навларга қабул қилинган.

Жониворларнинг тиббий хосияти бор. Юрак хасталикларини даволаш учун кўпинча маҳаллий аҳоли олқорнинг ўт пуфагидаги суюқликни ичиб ва шу йўл билан даволанадилар. Агар тиббиёт соҳасидаги мутахассислар бу иш билан шуғулланишса юракни даволашнинг янги бир қирраси очилиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, ер юзида ягона маскан қилиб Нурота тоғларини қароргоҳ этган бу жозибакор жониворларнинг теварагида шундай турли хил ҳолатлар мавжуд. Биз эса ўрмон ходимлари бу ноёб тур жониворларни ягона масканда албатта асраб қоламиз.

Сайдолим САЙДУЛЛАЕВ,
овшунос.

УСТОЗ ИБРАТИ

● Тошкентдаги 82-мактабда ҳунар муаллимларининг малакасини ошириш мақсадида тажрибаларни ўртоқлашиш йиғини бўлди.

Кўпчилик Обиджон Умаров тажрибасига катта қизиқиш билан қаради. Унинг ўзи ташкил этган устахонада бир соатлик дарс мобайнида болаларга нималарни ўргатиш мумкинлиги амалда намойиш этилди.

Анвархон АҲМАДҚОЗИ ўғли.

ХАРЧИНОМА

Ўзбекистон Республикаси ТИАВ Республика савдо-кўргазма маркази
"ЎЗЭКСПОМАРКАЗ"
"БИЗНЕС-ВЕСТНИК ВОСТОКА"
минтақалараро ижтимоий-иқтисодий ҳафтономасининг Бизнес-маркази

Осиё Модалари-94 — 1994 25 - 29 май

1- ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МОДАЛАР ОЧИҚ ЯРМАРКАСИГА
ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР

Намойиш этилади
КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ПОЙАБЗАЛЛАР АКСЕССУАРЛАРС ТАҚИНЧОҚЛАР АТИР-УПАЛАР КОСМЕТИКА ГАЗЛАМАЛАР ЙИҒИРИЛГАН ИПЛАР ИПЛАР ЧАРМЛАР МУЙНАЛАР ФУРНИТУРА ЖОЙЛАШ-ЎРАШ

Таклиф этиладилар
МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ЭКСПОРТЕРЛАР ВА ИМПОРТЕРЛАР ХОМ АШЁ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР МОДЕЛЬЕРЛАР ВА ДИЗАЙНЕРЛАР РЕКЛАМА АГЕНТЛИКЛАРИ СЕРВИС ФИРМАЛАРИ

Дастўрда
УЛГУРЖИ-ЧАҚАНА САВДОЛАР БИЗНЕС-КЛУБ МОДАЛАР ВА ТАЙЁР КИЙИМ-КЕЧАКЛАР НАМОЙИШЛАРИ КИМ ОШДИ САВДОСИ ХАЙРИЯ БАЛИ

Ахборот
(3712) 32-55-12, 33-84-30, 32-56-85, 56-51-69; 78-51-41 (кечқурун)

• *ТЕАТР ВА ЗАМОН*

СОБИР ТЕРМИЗИЙ ТЕРМИЗДА

Ўтмишни ўрганмасдан келажакни кўриш қийин. Шу жиҳатдан ҳар бир халқ ота-боболари қолдирган меросни чуқур таҳлил қилиб, уни қалб тўрида ардоқлайди, гард юқтирмайди.

Ўзбек халқи тарихан маърифатли, билимдон, саҳий ва меҳмондўст бўлган. Унинг барида оламга машҳур фарзандлар етишиб чиқиб, ўз она заминини дунё олдида кўз-кўз қилиб келган.

Маълумки, асримизнинг 20-30-йилларида тарихий мавзуларда йирик асарлар яратишга бутун ижодий куч ва иқтидорини сарфлаган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғози Юнус сингари атоқли ёзувчилар анъаналари изчил давом эттирилаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Кейинги даврга келиб, ҳақиқатан ҳам бу мавзуга қўл уриб, турли жанрларда бадиий ва саҳна асарлари яратиш анча қийин. Навоий, Улуғбек, Амир Темур, Бобур, Зебунниссо сингари буюк аллома-ларимизнинг бадиий образлари, жонли сиймолари маданият кўзгуларига айланмоқда. Ана шу ижобий анъана Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқали драма ва комедия театри ижодий жамоаси томонидан ҳам дадил қадамлар билан изчил давом эттирилмоқда. Яқинда театр саҳнаси яна бир тарихий асар — «Адиб Собир Термизий» номли спектаклни намойиш этиш билан ўз томошабинларини бағрига тортди. Энг қувонарли томони шундаки, қадимий ва навқирон Термиз шаҳрида ўнлаб атоқли сўз усталари, машҳур табиб, олиму-фузалолар — Термизийлар яшаб, ижод этишган. Афсуски, бугунгача улардан бирортасининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини умумлаштирувчи яхлит бир бадиий ва саҳна асари яратилмаган эди. Эндиликда эса бу хайрли ва муқаддас ишга шоир ва драматург Низомжон Парда баҳоли қудрат қўл уриб, муҳлислар олқишига сазовор бўлди. Ана шу асарни иқтидорли санъаткор ва тажрибали режиссёр Неъмат Пардаев саҳнага олиб чиқди.

Тарихий манбалардан маълумки, Адиб Собир ибни Исмоил Термизий XI асрнинг 70-йилларида Термизда таваллуд топган улкан шоир, астроном олим, фозил киши бўлган. Ёшлигидан саводи чиқиб, кўп вақтини илм эгаллашга сарфлаган. Айниқса, адабиётга бўлган қизиқиш уни тинмай мутолаа қилиш, устоз асарларини ўқиб, ёд олишга чорларди. Ўзи ҳам шеърлар ёзиб, машқ қиларди. Бу ҳақда форс-тожик адабиётининг атоқли намояндаси Абдураҳмон Жомий шундай ёзганди: «Адиб Собир Термизий — ширинсухан шоир, доно олим бўлган. Унинг шеърларида латофат ва малоҳат камолга етган. Фозил шоирлар унинг санъатига қойил қолганлар».

Нишопурда ўттиз йил, Марв ва Хоразмда умргузаронлик йилларини бошидан кечирди. Ўз замонининг машҳур кишилари Умар Хайём, Замахшарий, Рашидиддин Ватвот, Амъақ Бухорий, Анварий, Саид Ҳасан сингари буюк зотлар билан танишиб, адабий ҳамкорлик қилади.

Ана шу кабн манбаларга асосланган драматург адибнинг ижтимоий ҳаёти ва ижодий фаолиятлари билан боғлиқ ҳолатларни бадиий тарзда кўрсатишга ҳаракат қилади. Саҳнада эса театрнинг моҳир актёри Х. Орипов ўз қаҳрамони қалбида кечаётган изтиробли жараённи, изҳор этишга уринади. Марв подшоҳи Султон Санжар (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т. Эргашев) саройида катта обрўга эга бўлган адиб Собир характеридаги икки ҳолат—ижодиётда юксак шоир ва ижтимоий ҳаётда адолатсизлик душмани сифатидаги ҳаракатлари билан уламоларга ёқмайди. Томоша бошланиши ана шу ҳолатни таъсирли кўрсата олганлиги билан характерлидир. Мумтоз куй саси фонида шеър ўқиб, шоҳ ва унинг атрофидаги амалдорларни қойил қолдирган адиб мақсадини Х. Орипов жонли ҳаракатларда олиб чиққан. Ўзига хос виқорлик ўша давр туркий тилига мос нутқ ва оҳанг, шарқона либослар танланиши — томошабин хаёлини мозий дунёсига етаклайди. Айниқса, бош қаҳрамон ижрочисининг шоҳ Султон Санжар, Хоразм ҳукмдори Хоразмшоҳ Отсиз (артист Ч. Чориев)ларга қилган муомаласи, эҳтиёткорлигидаги нозик томонларни ҳаётий ифода этганлиги киши диққатини ўзига тортади.

Чеки-чегараси йўқ солиқлар, ўзаро уруш ва адолатсизликлар, ноҳақ таҳқирлаш ва туҳматлар, фисқу-фасод ва маишатбозликлардан сабр косаси тўлган шоир ўзининг сатирик ғазаллари билан сарой аъёнларини аёвсиз танқид қилади. Камбағал халқнинг, зиндонда ётган юзлаб бегуноҳ маҳбусларнинг тарафини олади. Хонлик салтанатидаги бебошликлар, мансаб учун қилинаётган фитналар сирини ошкор этиб, адолат тиғини баланд кўтаради. Бу эса хон саройи амалдорларининг ундан қутилиш режаларини тузишга замин яратади. Сохта мақтов ва мукофотлар билан сийлаб, уни Хоразмга элчи қилиб юборишади. Адиб Собир Термизий Хоразм ҳукмдори томонидан яхши кутиб олиниши замини пуч эканлигини сезса-да, сир бой бермай ўзини хушчақчақ кўрсатади. Бироқ бу ҳолат узоққа бормади. Чунки элчи қисқа фурсат ичида ҳукмдорнинг ғайриинсоний сифатларини билиб олади. Натижада адиб ва Отсиз ўртасида кескин тўқнашув келиб чиқади. Тож-тахт ва ягона ҳукмронлик туйғуси билан ёнган Хоразмшоҳ Отсиз марказий давлат ҳоқони Султон Санжарни ўлдиртириш ва ўлкан бир мамлакатга ҳукмрон бўлиш мақсадида юборган жосусининг сири ошкор бўлади. Актёр Х. Орипов талқинидаги қаҳрамоннинг ҳушёрлиги, хизматкори томонидан ноҳуш воқеадан хабардор қилиниши ва ўз навбатида Султон Санжарни огоҳлантиришга улгурганлиги билан боғлиқ ҳолатлар анча ишонарли чиққан. Хоразмшоҳ Отсиз ўз режасининг барбод бўлишида адиб Собирнинг иштироки борлигига шубҳа қилмагач, у билан очиқчасига жангга киришади. Икки қарама-қарши кучлар ўртасидаги тўқнашув драматик конфликтнинг асосини ташкил этади. Артист Ч. Чориев Отсиз қалбидаги интиқом туйғусини юзага чиқариб, рақибидан жисмонан ўч олиш учун кескин ҳаракат қилади. Сарой амалдорлари қутқусига учган ва шахсий адоват оловида ёнган ҳукмдор адиб Собир Термизийни Жайхун дарёсига чўктириб юбортиради. Ўз навбатида адиб Собирнинг фожиали ҳалок этилиши ҳукмдорларига нисбатан халқ ғазабини аланга олдиради.

Спектаклда Мунажжим (артист Қ. Бурҳонов), эшик оғаси (артист Т. Йўлдошев), Дарвеш (артист А. Худойназаров) ва бошқа персонажлар ҳаракат қилиб, муаллифлар мақсадини очишга ёрдам беради. Туҳфа сифатида адиб Собирга тортиқ қилинган Бинафша бека (артист Қ. Миродилова) қалби ҳам жароҳатланган. Ўз қаҳрамонининг аянчли ўтмиши, муҳаббатга интиқ юрак безовталиги билан боғлиқ ички дард Қ. Миродилова талқинида юзага чиқади.

Бироқ асарнинг саҳналаштирилиши билан боғлиқ баъзи биз сезган нуқсонларни ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Спектакль бошланди. Чиройли безатилган саҳна. Ўша давр руҳи рассом А. Сатторов томонидан жуда яхши берилган. Саҳнада ҳаракат. Шоҳ Султон Санжар, уламолар билан адиб Собир ўртасида баҳс, шеърхонлик, қарсаклар, табрик, туҳфа ва ниҳоят дабдурустдан Хоразмга элчи юбориш муаммоси. Бу муаммо ҳам осонлик билан ҳал этилади. Амалдорларнинг таклифи билан адиб Собир Термизий номзоди маъқулланади. Кейинги кўринишда адиб Собирнинг Хоразмга кетишлигидан уламолар ўзларида йўқ хурсанд. Шу билан воқеа ривожланиб адиб Собир тезликда Хоразмга келиб қолади. Эътибор беринг: мақсаднинг силлиққина амалга ошиши ҳаракати кўз олдингизда намоён бўлаяпти. Томошабин ҳайрон. Нима учун адиб Собирнинг Хоразмга кетишидан амалдорлар хурсанд? Ана шу нуқта хира очилган. Тўғри, адиб Собир сарой уламоларини сатирик шеърлари билан танқид қилганлигига ишора бор. Бу билан адиб ва сарой аъёнлари ўртасидаги тўқнашувга замин тайёрлаб бўладими? Ваҳоланки, драматик конфликт асарнинг асосини ташкил этибгина қолмай, у воқеа ва ҳодисаларни реалистик тарзда бадиий акс эттиришга хизмат қилади. Шундай экан, драмада ҳам, спектаклда ҳам камбағал фуқароларнинг ҳукмрон табақа вакилларига қарши кураши замиридаги социал-синфий конфликт суст кечганлигини ҳис этасиз. Тўғри, халқ норозилиги, нафрати билан боғлиқ йўлланмалар бор. Бироқ бундай ҳолат ярқ этиб кўзга ташланмайди. Бу эса таҳлил этилаётган ушбу асарга бевосита тааллуқли. Бунинг устига драматург адиб Собирнинг Термиздаги фаолиятига кам эътибор беради, фақат унинг Марв ва Хоразмдаги турмуш тарзи-ижтимоий фаолияти асос қилиб олинган. Бундан адибнинг термизлик эканлиги бироз бўлса-да, ёрқин ёритилмаган, деган тушунча келиб чиқиши мумкин. Масаланинг яна бошқа томонига эътибор беринг: бош қаҳрамон спектаклнинг бошидан охиригача ғамгин қиёфада юради, қалби азоб-уқубатга тўла. Чин дилдан хурсанд бўлиб, бундай очилиб сочилиб, ҳаёт ноз-неъматларидан баҳраманд бўлмайди. Наҳотки, инсон сифатида унинг шодиёна кунлари бўлмаса? Шунингдек, Бинафша бека билан бўлган муносабатида ҳам сунъийлик ҳукмрон. Беканинг адибни яхши кўриб қолганлиги кўриниши ҳам ишончсизроқ.

Аксарият артистлар тилида ўша даврга хос нутқ жуда ажойиб. Бироқ адибнинг хизматкори тили бугунги нутқимизнинг ўзгинаси. Ўша давр нутқига хос оҳангдорлик етишмайди. Бунинг устига унга қаддан ташқари эрк бериб юборилган. Масалан, адиб Собир Термизийни дарёга чўктириш картинасида хизматкорнинг келиб, жаллодларга дўқ уриши, «Тезроқ бўлсаларинг-чи?», деб уларга пўписа қилиши томошабинни таажжубга солади. Ўзи бору-йўғи бир хизматкор бўлса-ю?..

Умуман, спектакль мавжуд баъзи нуқсонларга қарамай, вилоятимиз маданий ҳаётида катта воқеа. Тарихий мавзудаги бу асарнинг яратилиши ва саҳнага олиб чиқилиши қилинажак улкан ишларнинг бошланишидир. Дунё халқлари тилига тушган буюк ватандошларимиз ҳақида илмий ва бадиий асарлар кам ёзилганлигини ҳисобга олсак, бу асар халқнинг ўтмишини бадиий акс эттиришда дадил қадам ташланганлиги билан алоҳида амалий аҳамият касб этади.

Қудрат ЖУРАЕВ,
филология фанлари номзоди, Термиз Давлат университети доценти.

ҚУТЛОВ

Азиз ва меҳрибон адажонимиз Ғафур МАННОПОВ! Сизни — оиламиз қуёшини 60-баҳорингиз билан қутлаймиз, эъзозлаймиз. Азиз умрингизнинг учдан икки қисмини, 40 йилини ўзингиз қалбдан севган касбингиз — маърифатчиликка, журналистикага бағишладингиз. Сиз «Маърифат» газетасида кўп йил самарали ишлаб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» деган юксак унвонга сазовор бўлганингиз билан фахрланамиз.

Илоё, 54 ёшга тўлган онажонимиз билан қарилик бахтини суриб, кўп йиллар соғ-омон юринг, жами орзу-умидларингиз ушалсин!

Фарзандларингиз:
АВАЗ, РАҲИМАХОН, АБРОР, АСРОР.

УТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Дўстимиз ва ҳамкасбимиз Холйигит Санақуловга отаси

Аннақул бобо САНАҚУЛОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирамиз.

Дўстлари ва ҳамкасблари.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти ва Ўзбекистон Республикаси Матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармаси жамоалари кекса журналист, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими

Зиёвуддин ЕҚУБОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари, ёру биродарларига таъзия изҳор қиладилар.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г — 890 тир. 85501. топширилди — 23.30.
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.